

Дуо хусусида

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф



13:30 / 02.03.2020 3540

Савол:

Барча ўзбек хонадонларида таомдан кейин дуолар ўқилиб, юзга фотиҳа тортилади. Ислонда айни шу дуонинг аҳамияти қандай? Ва бу ўринда ўқиладиган махсус дуолар борми?

Жавоб: Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Ҳар гал таом егандан сўнг Аллоҳга ҳамд айтиб, шукр келтириш лозимлиги ҳадисларда таъкидлаб айтилган.

???? ??????? ???? ?????? ??????? ???????

???? ?????????????? ??? ?????? ?????? ??????: «????»

?????? ?????????? ??????????: ??????????? ??????????

???????? ?????????????? ??????? ?????????????????? ?????

???????? ?????????? ?????????? ??????? ?????????????? ????????? ?????

??? ?????????????? ?????? ??????????????» . ??????????

????????????????????? ??????? ???????????.

Муъоз ибн Анас розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Ким таом еса-ю, кейин: «Шуни менга менинг куч-қувватимсиз таом қилиб ва ризқ қилиб берган Аллоҳга ҳамд бўлсин» деса, унинг олдинги гуноҳларидан мағфират қилинади», дедилар».

Термизий ва Абу Довуд ривоят қилишган.

Шунинг учун ҳар бир банда таом ейишни **«Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм»** дея бошламоғи ва таом ейишни тугатганда Аллоҳга ҳамд ва шукр айтмоғи лозим. Бу шукрларнинг ҳадисда келган маънолари бор. Ана шуларни айтса яхши бўлади. Ҳозир бизда одат бўлгани:

????? ??????? ?????????? ?????????????????? ????????? ???????

?????????: ??????? ?????????????????? ??? ?????? ?????? ?????? ???????

???????? ?????????? ?????? ?????????????????? ?????????: «?????????????????

????????????? ?????????????? ?????????????????? ??????????????????

???????????? ?????????????». ??????? ???????????

??????????.

Абу Саъид Худрий розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам қачон таомдан фориғ бўлсалар:

«Бизга таом ва ичимлик берган ҳамда бизларни мусулмонлардан қилган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин», дер эдилар».

«Сунан» эгалари ривоят қилинган.

Шунга ўхшаган ҳадисларда келган яна бир қанча дуолар борки, ана шу дуолар ўқилса, таом еганнинг шукрини Аллоҳга айтилса, суннатга мувофиқ бўлади ва еганларида хайру барака бўлади. Икки оғиз сўзда бу саволга батафсил жавоб беришнинг имкони йўқ. Аммо «Ҳадис ва Ҳаёт» номли силсиламининг 16-17-жузида, яъни «Таом ва Шароб» китобида таомларнинг ҳалоли қайсию, ҳароми қайсилигини келтириш билан бирга, таомни тановул қилиш, дастурхонда ўтириш, тановулни тугатишнинг исломий маданияти тўғрисида бир қанча ҳадислар шарҳ қилинган. Иншааллоҳ, мухлисларимиз ҳам, мўмин-мусулмон биродару опа-сингилларимиз ҳам бу нарсалардан тўлиқ хабардор бўлиб, амал қилиб боришади, деган умиддамиз.

Валлоху аълам.

«Зикр аҳлидан сўранг» китобидан